

УДК: 336.225.3

Жумаев Шухрат

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Мустақил тадқиқотчи (PhD)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ ВА
СОЛИҚ ТИЗИМИ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Jumaev Shuhrat

Tashkent State University of Economics

Independent researcher (PhD)

**ISSUES OF IMPROVING TAX ADMINISTRATION AND TAX SYSTEM
STRATEGY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Жумаев Шухрат

Ташкентский Государственный Университет Экономики

Соискатель (PhD)

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГОВОГО
АДМИНИСТРИРОВАНИЯ И СТРАТЕГИИ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Аннотация

Мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида солиқ сиёсати, солиқ стратегияси муҳим роль ўйнайди. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа иқтисодий сиёсатининг йўналишларига кучли узвий боғлиқлиги билан бир қаторда, уларга таъсир қилиб боради. Солиқ сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг стратегик ҳамда тактик йўналишларини белгилаб олиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Мазкур мақолада солиқ сиёсатининг мазмуни, унинг стратегияси ва тактикаси ҳамда бугунги кунда Ўзбекистон солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар

Солиқ, солиқ муносаatlари, солиқ сиёсати, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, солиқ ставкаси, солиқ сиёсати йўналишлари, давлат бюджети.

Abstract

Tax policy and tax strategy play an important role in the economic policy of countries. The tax policy is closely related to other economic policies of the state and influences them. Correct development of tax policy and determination of its strategic and tactical directions is a very urgent issue. This article analyzes the content of the tax policy, its strategy and tactics, as well as the priority directions of the tax policy of Uzbekistan today.

Keywords

Tax, tax attitudes, tax policy, tax policy strategy, tax policy tactics, tax rate, tax policy directions, state budget.

Аннотация

Налоговая политика и налоговая стратегия играют важную роль в экономической политике стран. Налоговая политика тесно связана с другими видами экономической политики государства и влияет на них. Правильная разработка налоговой политики и определение ее стратегических и тактических направлений является весьма актуальным вопросом. В данной статье анализируется содержание налоговой политики, ее стратегия и тактика, а также приоритетные направления налоговой политики Узбекистана сегодня.

Ключевые слова

Налог, налоговые отношения, налоговая политика, стратегия налоговой политики, тактика налоговой политики, ставка налога, направления налоговой политики, государственный бюджет.

Кириш

Давлатнинг иқтисодий сиёсатида солиқ стратегияси катта ўринга эга бўлиб келган. Солиқ стратегияси мамлакатнинг бошқа стратегиялари йўналишларига чамбарчам боғлиқ. Мамлакатнинг солиқ стратегиясини пухта, таҳлилларга асосланган ҳолда мукамал қилиб ишлаб чиқиш ва йўналишларини белгилаб олиш доим долзарб ҳисобланиб келинган. Солиқ стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давлатнинг иқтисод йўналишидаги органлари билан мувофиқлаштиришни талаб этади. Шу сабабли, солиқ стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги баҳолаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унинг йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарб масалалардан саналади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар узок тарихга бориб тақалади. Пул жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари, давлат ғазнасини тўлдириш, унинг назорати масалалари кенг ўрин олиб келган. Бу масалалар борадаси бир қанча олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, К.Макконнел, Г.Мэнкью, Н.Тургенев, В.Твердохлебов, В.Глухов, Л.Гончаренко, Д.Тихонов, Д.Черник, Т.Юткинларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган.

Хусусан, рус олимлари Н.Тургенев, В.Твердохлебовлар давлатнинг ғазнасини маблағлар билан таъминлашда солиқ мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ солиқ сиёсатини ташкил этиш механизмларига оид илмий тадқиқотларни амалга оширган бўлса, Д.Черник, Т.Юткинлар солиқ сиёсатининг стратегияси, тактикаси, солиқ сиёсатини йўналишларини амалга оширишда давлатнинг позицияси нималардан иборат бўлиши юзасидан илмий ишлар олиб борган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Э.Гадоев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, Ш.Тошматов, О.Абдурахманов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, А.Хайрутдинов, Қ.Яхёев, Н.Қўзиева каби олимларнинг илмий ишларида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш, унинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан Э.Гадоевнинг илмий тадқиқотларида ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ сиёсати йўналишлари илмий-услубий жиҳатдан очиқ берилган бўлса, С.Худойқуловнинг илмий тадқиқот ишларида бюджет даромадларини шакллантиришда даромадларнинг прогнозлаштириш масаласи қанчалик муҳим касб этиши асослаб берилган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада мантиқий усул, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳаракатлар стратегияси шароитидаги дастлабки Президент фармонларидан бири бўлган “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон фармони ҳам айнан солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган эди.

Солиқ маъмуриятчилигини доимий такомиллаштириш ҳозирги тараққиёт стратегияси шароитида ҳам солиқ сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинганлиги кўриш мумкинки, бу тўртинчи йўналиш қилиб белгиланган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш” борасидаги тактик йўналишда кўриш мумкин.

Солиқ органлари томонидан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон

қарори билан тасдиқланган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш Стратегияси доирасида белгиланган чоралар амалга оширилмоқда.

Солиқ тизимини рақамлаштириш жараёнларини давом эттириш, шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси талабларига мувофиқ ҳамда солиқ тўловчиларга янада қулай шароитлар яратиш, рақамлаштириш жараёнларини давом эттириш, солиқ органлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш ҳамда инсон ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида янги стратегияни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Бугунги кунда солиқ тизимида солиқ идоралари салоҳиятидан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги, ишбилармонлик муҳитини ва фаоллигини ошириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга тўсқинлик қилаётган бир қанча муаммолар мавжудки, ушбу муаммоларни бартараф этиш орқали солиқ ислохотларини янада юксак даражага кўтариш имконияти юзага келади:

- солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаслиги, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг ягона услубиёти, стандарти ишлаб чиқилмаганлиги, кўрсатилаётган солиқ хизматлари сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизими йўқлиги;

- солиқ идораларининг солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларидан фойдаланишнинг кенг тарқалган амалиётига қарши курашиш бўйича ишлари етарли даражада ташкил этилмаётганлиги солиқ интизомининг пасайишига, яширин иқтисодиёт кўламининг сақланиб қолишига ва инсофли тадбиркорлар учун бизнес юритиш шартларининг ёмонлашишига олиб келиши;

- бошқарув ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш билан бирга параллел равишда коррупцияга қарши комплаенс-назорат сиёсатини кучайтирилмаганлиги, ходимлар учун, айниқса, туман ва шаҳарларнинг таркибий бўғинларида муносиб меҳнат шароитларини яратилмаганлиги;

- солиқ назорати воситаларини фақат инсофсиз солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилмаётганлиги, инсофли солиқ тўловчилар тоифасига ўтиш учун рағбатлантириш тизими, солиқ органлари фаолиятида катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш механизмларининг мавжуд эмаслиги.

Таклиф этилаётган янги Стратегиянинг асосий мақсади солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни тубдан ўзгартирувчи замонавий технологик ечимлар, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда инсон омилисиз усулларни жорий этиш ҳамда солиқ маслаҳатлари беришда “Солиқчи-қўмакчи” тамойили асосида янгича ёндашувни жорий этишдан иборат бўлиши лозим.

Хорижий давлатларнинг солиқ органларининг стратегияларида белгиланган асосий йўналишлар таҳлил қилиб чиқилди.

Грузия Молия вазирлигининг “Ички даромад хизмати”нинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган солиқ ва солиқларни яхшилашга қаратилган стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу стратегияга асосан қуйидаги йўналишлар белгилаб олинган:

1. Солиқ тўловчи ҳамда давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда хизматларни ишлаб чиқиш;

2. Институционал салоҳиятни ривожлантириш ва барқарорликни таъминлаш;

3. Халқаро ҳамкорлик;

Россия Федерал солиқ хизматининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида:

1. Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматларни ошириш, шу жумладан рақамли тизимини яратиш ва Ҳукумат билан ҳамкорликда бизнес харажатларини камайтириш;

2. Давлат бошқаруви харажатларини камайтириш;

3. Солиқ маъмурияти самарадорлигини юқори даражада таъминлаш, шу жумладан рақамли трансформация орқали яширин иқтисодиётни камайтириш;

4. Ахборот тизимлари, ахборот-технологик инфратузилманинг юқори даражадаги ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш;

5. Барча бизнес шароитлари учун тенг шароитларни таъминлаш;

6. Кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш;

Арманистон Давлат даромадлари қўмитасининг 2021-2025 йилларда ривожлантириш ва маъмурчилиги стратегияси.

1. Бошқарув тизимини такомиллаштириш, солиқ тўловчиларга рақамлаштирилган хизматлар кўрсатиш;

2. Маъмурчиликнинг самарадорлигини ошириш, даромадни ошириш, хуфиёна иқтисодиётни (сояларни) камайтириш;

3. Корхоналарни модернизация қилиш, инфратузилмани куриш;

4. Жамоатчилик билан мулоқот даражасини ошириш;

5. Инсон ресурсини бошқаришнинг замонавий тизимини жорий этиш.

Беларусь Республикаси солиқ органлари фаолиятини 2021-2023 йилларда ривожлантириш стратегиясида:

1. Солиқ органларининг замонавий ИТ инфратузилмаси ривожлантириш.

2. Рискларни бошқариш тизимига асосланган самарали солиқ маъмурчилиги ва назорати.

3. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариш учун оддий ва қулай шароитлар яратиш.


4. Корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини яратиш.

Қирғизистон солиқ хизматининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида бир қатор натижаларга эришадиган 7 та устувор йўналишни белгилайди:

1. Рақамлаштириш: маълумотлар архитектураси ва таҳлилини яратиш;
2. Аҳолининг солиқ саводхонлиги ва маданиятини ошириш;
3. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш;
4. Ички ва ташқи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
5. Инсон ресурсларини ривожлантириш;
6. Солиқ маъмурчилигини модернизация қилиш;
7. Солиқ хизмати имиджини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

Юқоридаги хорижий давлатларнинг солиқ сиёсати ва ислохотларини амалга ошириш стратегиялари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксар давлатларда солиқ стратегиясида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларга солиқ мажбуриятларини бажаришда кўмаклашиш, солиқ ҳатарларини бошқариш тизимини янада мукамаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом муҳитни ривожлантириш, хуфиёна иқтисодга қарши курашиш, солиқ идоралари ходимларини малакасини ошириш, тизимдаги мавжуд ахборот технологияларини янада ривожлантириш масалалари стратегиянинг асосий мазмунида шаклланган.

Хорижий давлатлар солиқ ислохотлари амалиётни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги ривожланиш босқичидаги солиқ ислохотлари ва сиёсати стратегиясини янада ривожлантириш бўйича солиқ сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ва вазифалари йўналишлари



1-чизма. Янгидан ишлаб чиқилиши таклиф этилаётган “Солиқ маъмурчилиги ва солиқ органларини ривожлантириш” стратегиясининг асосий йўналишлари¹

1-чизма маълумотларидан кўришимиз мумкинки, таклиф этилаётган солиқ стратегиясида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, солиқ тўловчилар ўртасида соғлом муҳитни яратиш, солиқ юкни тенг тақсимлаш, солиқ идоралари ходимларининг малакасини ошириш ва ва тизимда коррупцияга қарши кураши, солиқ тизимини рақамлаштириш жараёнини янада ривожлантириш стратегиянинг асосий йўналиши қилиб белгиланган.

Ҳар бир амалга оширилиши кўзда тутилган стратегия натижадорлиги доимий равишда таҳлил қилиб борилиши лозим. Шу сабабли, амалга ошириладиган “Солиқ маъмурчилиги ва солиқ органларини ривожлантириш” стратегиясида қуйидаги кўрсаткичлар орқали амалга оширилаётган ислохотлар натижасини кўриш мумкин.

¹ Муаллиф ишланмаси

“Солиқ маъмурчилиги ва солиқ органларини ривожлантириш”

стратегияси натижадорлигини аниқлаш

КЎРСАТКИЧЛАРИ²

Т/р	Кўрсаткичлар номланиши
1	Солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши (фоиз)
2	Солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажариш даражаси (фоиз)
3	Солиқ қарздорлигининг ҳисобот йили учун йиғилган солиқ тушумларига нисбати (фоиз)
4	Фаол солиқ тўловчи -юримдик шахсларнинг умумий солиқ тўловчилардаги улуши (фоиз)
5	Солиқ декларацияларини ўз вақтида топширувчи фаол солиқ тўловчилар улуши (фоиз)

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бевосита Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ ислохотлари, солиқ сиёсати ва стратегиясини натижадорлигини кўрсатиб беради.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Республикаимизнинг янги тараққиёт стратегиясини амалга оширишда солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган солиқ сиёсатининг стратегик йўналишларининг мантиқий ва узвий давоми сифатида белгилаб олинганлигини кўриш мумкин. Шу билан биргаликда бизнинг фикримизча, янгидан ишлаб чиқилиши таклиф этилаётган “Солиқ маъмурчилиги ва солиқ органларини ривожлантириш” стратегиясида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

² Муаллиф ишланмаси

биринчидан, солиқ идораларининг солиқ тўловчилар билан муносабатларни ўзгартириш, хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш орқали солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва солиқ маслаҳатлари беришда янгича ёндашиш, солиқ тизимининг ижобий имиджини шакллантириш;

иккинчидан, яширин иқтисодиётга ёрдам берадиган шароитларни ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш йўналишлари ва схемаларини ўз вақтида аниқлаш ва ошкор қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш, солиқ маъмурчилигининг самарасиз усуллари билан боғлиқ харажатларни камайтириш, айрим функцияларни марказлаштириш орқали солиқ органлари тузилмасини янада оптималлаштириш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш мақсадида соҳавий тадқиқотлар ўтказиш ва қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этиш;

учинчидан, комплаенс-назоратни кучайтириш, ходимларда коррупциянинг намоён бўлиши ва уларга ҳомийлик қилишга мурасасизлик туйғусини шакллантириш, солиқ ходимларининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш жараёнларининг шаффофлигини ошириш бўйича ишларни давом эттириш.

тўртинчидан, солиқ органлари фаолиятини рақамлаштириш, бизнес-жараёнларни автоматлаштириш, бизнесни ташкил этиш харажатларини қисқартириш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ҳалол тадбиркорлар меҳнатини рағбатлантириш, солиқ мажбуриятларини бажаришнинг қулай, аниқ, шунингдек, содда элементларини шакллантириш, замонавий технологиялар асосида автоматлаштирилган қарорлар қабул қилиш тартибини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Худойкулов С.К. (2019) Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019 йил. Б. 14-16; 20-21; 28-29.

2. Худойкулов, С., & Бабаев, Ш. . (2022). Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегияси шароитида солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари. *Economics and Innovative Technologies*, 10(4), 305–314. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a30

3. Жумаев Ш. Ўйрик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари: и. ф. д (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати //Тошкент. – 2023. – Т. 2. – С. 2018-2022.

4. Жумаев Ш. Ўйрик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари. Монография. – Тошкент, Иқтисодиёт нашриёти ДУК, 2023.-161 б.

5. Жумаев, Ш. (2023). Ўйрик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(1), 131–136.

6. Жумаев, Ш. (2024). Ўзбекистонда республикасида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга масалалари. *Страховой рынок Узбекистана*, 1(7), 68–69. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/127>